

Петербург халқаро иқтисодий форумига Қатарнинг муслима сиёсатчиси тайинланди



11:32 / 14.06.2021 1318

Санкт-Петербург халқаро иқтисодий форумига Қатар мамлақати ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Лулва ал-Хатир тайинланди.

«Коммерсант» газетасига берган интервьюсида, муслима Қатар ташқи ишлар вазирлигидаги ҳар учинчи лавозимни аёл вакиллари эгаллашини таъкидлаган.

Қатарлик энг таниқли аёл дипломат Алия Ал Тани бўлиб, у ҳозирги кунда БМТнинг доимий вакили сифатида ишлайди ва бир вақтлар дипломатик соҳада аёлларга йўл очиб беришга кўмаклашган.

и

Қатар ва Исроил ўртасида юзага келиши мумкин бўлган нормаллаштириш тўғрисидаги саволга ал-Хатир: «Доҳа бундай қадам ташлашни режалаштирмаганлигини, Исроил арабларнинг тинчлик ташаббусини эътиборсиз қолдираётганини ҳисобга олиб, бундай мақсадни кўзда тутмаётганини» таъкидлаган.

Мунира Баҳодиржон қизи